

## Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 374-ҳадис

374 - عَنْ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّ مُسْكِرٍ حَمْرٌ، وَكُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ، وَمَنْ شَرِبَ الْحَمْرَ فِي الدُّنْيَا فَمَاتَ وَهُوَ يُدْمِنُهَا لَمْ يَتُبْ، لَمْ يَشْرَبْهَا فِي الْآخِرَةِ».

[خ 5575، م 2003، ت 1861، س 5671، د 3679، جه 3373].

Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир. Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир. Ким бу дунёда хамр ичиб, унга ружу қўйган ҳолида ўлиб кетса, тавба қилмаган бўлса, охиратда уни ичмайди»**, дедилар».

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.*

**Изоҳ:** Бу ва шу маънодаги бошқа ҳадисларга уламолар бир неча хил изоҳ беришган:

а) охиратда ичмайди деганда жаннатга кирмаслигига ишора қилинган (яъни биринчилардан бўлиб кирмайди, аввал бу гуноҳи кабираси учун жазосини олади);

б) жаннатга кирса ҳам, у ердаги ичимликлардан ичмайди;

в) ҳалол санаб ичган бўлса, мутлақ жаннатга кирмайди.



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI